МАРРИЗМ XX АСРНИНГ 20-40-ЙИЛЛАРИ ШЎРО ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ СИФАТИДА

А.У.РАҲИМОВ

В данной статье освещены теоретико-методологические основы узбекского языкознания 20-40-годов XX века, появившихся в русле методолдогических споров в советском языкознании того периода. В частности, отмечаются квазинаучность и антинаучность учения Н.Я.Марра. В то же время указывается методологическая ценность и актуальность некоторых его концепций для отдельных разделов лингвистики.

The article describes theoretical and methodological basis of the Uzbek linguistics of the 1920s -1940s of the XXth century which appeared under the influence of methodological arguments in the former Soviet linguistics of that period. The article shows quaziscientific and antiscientific peculiarities of the teachings of N. Y. Marr. At the same time the author tries to show the methodological estimation and actuality of N. Marr's conceptions for some parts of linguistics.

XX аср бошларида тилшунослик фани илмий парадигмаларнинг алмашиниш даври ва методологик рефлексияга эҳтиёж сезган ўзига хос "ғира-шира қоронғилик" босқичида эди. Мазкур вақт оралиғида кўпгина тилшунослар методология борасида бошини қаёққа уришни билмай қолдилар. Лекин шунга қарамай, бу вақтда шўро даври тилшунослигида методология борасида ўзаро оппозицияда бўлган икки йўналишнинг мавжуд бўлганлигини айтиш мумкин: биринчиси тилларнинг пирамидасимон тараққиёти, нутқ палеонтологияси, ёфас назарияси каби йўналишларга таянувчи марризм бўлса, иккинчиси компаративизм методологияси асосида тил эволюцияси механизмларини тадқиқ этувчи "лингвистик историология" йўналишини тарғиб этувчи Е.Д.Поливанов концепциясидир. Мазкур икки методология ўртасидаги муросасиз курашда маълум муддат марризм ғолиб чиқди ва шўро даври тилшунослигининг ягона методологик асоси бўлишга даъвогарлик қилди. Бу даврда тилшуносликда мавжуд бўлган барча парадигмалар марксизмнинг асосий тамойилларига мувофиқ келмас эди. Хусусан, структурализм диалектикага зид эди, чунки марксизмга кўра синхронияга таяниб иш кўрилса, тарихийлик, ворисийлик, детерминизм тамойиллари бўртиб кўринмайди. Фосслернинг эстетик ёндашуви ҳам марксизм тамойилларига зид бўлган индивидуализм ва идеализмга асосланган эди. Н.Хомскийнинг генеративистик парадигмаси менталлик ва асоциаллик белгиларига эга бўлгани учун ҳам шўро тилшунослиги учун мақбул бўлмас эди. Шу боис мазкур парадигмалар шўро тилшунослигида узоқ вақт эътироф этилмади.

В.Алпатовнинг қайд этишича, Н.Я.Марр жаҳон тилшунослигидаги "инқирозли" ҳолатдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди [1]. Олим тилшуносликда ўзига хос "харизма" ("йўлбошчи") сифатида майдонга чиқди ва янги методологияни белгилаб берди. Мазкур сохта методология Ғарбда умуман тан олингани йўқ, у маълум муддат фақат ҳукмрон мафкуранинг босими ва рағбати остида собиқ шўро даври тилшунослигининг таянч методологияси сифатида белгиланди. Н.Я.Марр қатъий илмий тамойилларга эга бўлган қиёсий-тарихий методни бутунлай инкор этгани ҳолда илмий тилшунослик учун хаёлий тўрт унсурга таянувчи палеонтологик методни тавсия этди. Мазкур ноилмий метод таъсирида тарихий алоқалари мавжуд бўлмаган сўзларнинг сохта этимологиялари юзага келди. Бу ўзбек тилшунослигида А.Ғулом,

З.Маъруф ва Ф.Абдуллаевларнинг дастлабки қарашларида яққол салбий таъсирини кўрсатган. Н.Я.Марр *“рука”(“қўл”)* ва *“рок” (“тақдир”)*, немисча *hund (ит - кўпчилик, одамлар тотеми)* ва *hundert (юз бу жамоа, кўпчилик, одамлар)* сўзлари, А.Ғулом *“қўл”* ва *“қил”, “ит” ва “от”* сўзларининг турли фонетик метаморфозалари асосида тарихий алоқасини исботлашга уриниши мана шундай таҳлилларга мисол бўла олади. З.Маъруф ўзининг “Ўзбек адабий тилида от ясовчи суффикслар” номли тадқиқотида Н.Я.Марр қарашларидан методологик асос сифатида фойдаланган [2.108]. У ўзбек тилига араб ва форс тилларидан кириб келган суффикслар таҳлилида Н.Я.Маррдан қуйидаги иқтибосни келтиради: “Тил ўзида ўсишнинг бутун стадияларини акс эттиради”[3.127]. Олимнинг фикрича, ўзбек тилига ўзлашган *-паз, -дор, -бон, -фуруш, -хўр* каби суффикслар тилимиз тараққиётининг маълум босқичидаги қолдиқлар бўлиб, улар тилнинг маълум стадиясидан гувоҳлик беради.

1929 йил 4 февралда Е.Д.Поливанов *«Проблемы марксистского языкознания и яфетическая теория»* мавзусида маъруза қилди. Бунда олим Н.Я.Маррнинг қарашлари тилшуносликдаги фактик материаллар билан боғланмаганлиги ва ҳақиқатдан йироқ эканлигини қатор мисоллар билан асослаб берди. Лекин, афсус, олимнинг тилшуносликдаги сохта методология хусусидаги мазкур огоҳлантирувчи “бонги” кўпчилик томонидан эътироф этилмади. Чунки бу даврда Н.Я.Марр ғоялари университет дастурларидан ҳам ўрин олган, ҳатто мактаб таълимигача кириб борган эди.

Е.Д.Поливанов Н.Я.Марр таълимотига тескари позицияда бўлгани боис маълум муддат сиқувга олинган ва пойтахтдан “қувғин қилиниб”, Марказий Осиёга юборилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Е.Д.Поливанов Ўзбекистонда илмий фаолият юритган 1921-1926 йиллар ўзбек тилшунослиги учун назарий ва методологик асосларнинг тўғри белгиланишида аҳамиятли давр бўлган. Мазкур йиллар давомида олимнинг лисоний эволюция механизмлари ҳақидаги таълимоти (у кўпинча “лингвистик историология” номи билан юритилади), конвергенция ва дивергенция ҳақидаги қарашлари фонетика, диалектология ва компаративистика соҳаларида ўзбек тилшунослари учун ҳам методологик асос бўлиб хизмат қилган. Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов, М.Миртожиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ж.Элтазаров каби тилшунослар олимнинг назарий қарашларидан илҳомланган ҳолда фундаментал тадқиқотлар яратдилар.

Н.Я.Маррнинг барча илмий қарашларини таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг бир-бирини инкор этувчи, ноизчил ва ғайриилмий жиҳатлари яққол кўзга ташланади. Олимнинг дастлабки изланишлари қадимги грузин ёзма манбалари таҳлилига бағишланган, лекин улар компартивизмнинг умумий методологик тамойилларига зид эди. Мазкур тадқиқотлардан кўзланган мақсад кавказ халқларининг буюк тарихий ўтмишини исботлаш бўлган, холос. Бунда олим ўз миллатининг улуғ тарихини ёритиши жараёнида субъектив ва етарли асосга эга бўлмаган фаразларни ўртага ташлайди. 1923 йилга келиб олим тилшуносликнинг муҳим постулатларини ишлаб чиқди. Маррнинг тарафдорлари бу даврни *“тилшуносликнинг янги эраси”*, марризмни эса *“тил ҳақида янги таълимот”* деб номлаганлар. Постулатларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1) тилларнинг қариндошлиги мавжуд эмас; тиллар бир-биридан узоқлашмайди, балки улар бир-бири билан бирлашади (“чатишади”); тилларнинг тарихи – ибтидоий жамиятдаги “кўплик”дан келажакдаги коммунистик жамиятдаги ягона тилга қараб ривожланади; 2) барча тиллар дастлабки тўрт унсур (сал, бер, ён, рош қийқириқларидан, буларнинг турли комбинацияларидан сўзлар келиб чиққан)дан иборат бўлган примитив стадиядан мураккаб стадияга турлича тезликда ривожланиб боради. Стадияларнинг алмашинуви жамиятдаги иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Мазкур тезис марризмнинг «материалистик» ва «синфий» характерга эгалигини тасдиқловчи далил сифатида баҳоланган; 3) ҳар қандай тилда олдинги стадияларнинг қолдиқларини излаб топиш мумкин («лингвистик палеонтология»).

Шўро даврида “марксизм” ва “материализм” методологияси тадқиқотларнинг илмийлигин белгиловчи ягона мезон саналган. Ушбу мезонга мос келмаган тадқиқотлар “номарксиситик” ёки “идеалистик” каби номлар билан танқид этилган. Шу боис ҳам Н.Я.Марр ўзининг социалистик идеализмга йўғрилган қарашларини сунъий равишда диалектик материализмга ва марксизм тамойилларга мослаштиришга мажбур бўлган. Аслида Н.Я.Марр дастлаб ўз қарашлари учун Бодуэн де Куртенэ, Ф.де Соссюр каби олимларнинг фикрларини назарий асос сифатида белгилаган. Бундан келиб чиқадики, Маррнинг ўзи “марризм ҳақидаги миф”ни келтириб чиқарган. Натижада Марр таълимотининг заиф ва ноилмий жиҳатларини тилшунослар гарчи англаган бўлсалар ҳам, унинг таъсир доираси шовинистик мафкура билан ихоталанган ҳолда кенг тарқала бошлаган. Марр ўз таълимотини дастлаб “Ёфас назарияси”, кейинчалик эса “материалистик тилшунослик” деб номлаганидан ҳам шуни англаш мумкинки, у ўз таълимотининг шўро тилшунослиги учун назарий асос бўлишини хоҳлаб мана шу йўлни танлаган.

К.Богданов XX асрнинг 30-йилларидаги шўро тилшунослиги хусусида шундай ёзади: “Бу даврда тилга муносабат мафкуравий лойиҳалаш ва ижтимоий тажрибалар ўтказишнинг муҳим мезони ҳисобланган. Жамиятни қайта қуриш тилни қайта қуришни ҳам тақозо этади. Шуниси аниққи, жамият устидан назорат ўрнатиш бу тил устидан ҳам назоратдир, янги жамиятни яратиш унинг тилини ҳам яратиш демакдир [4]. Ёзув ислоҳоти, собиқ СССР ҳудудидаги турли хил миллатлар учун руслашган кирилл алифбосини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш каби тадбирларнинг барчаси замирида Н.Я.Марр таълимотидаги миллий тилларнинг йўқолиб бориши ва рус тилининг миллатлараро мулоқот тили бўлишини тарғиб этувчи шовинистик ғоя яширинган эди. Шундай бўлишига қарамай, шўро даври тилшунослигида кўплаб илмий ютуқларга эришилди. Хусусан, бу давр оралиғида СССР ҳудудидаги жуда кўп миллий тилларнинг биринчи илмий грамматикалари, луғатлари яратилди. Ҳатто

ўша вақтга қадар ҳеч қандай грамматик тавсифлар ва маълумотномаларга эга бўлмаган фин-угор, тунгус-манжур, Кавказдаги кўп сонли тоғ халқининг тиллари илмий асосда чуқур ўрганилди, туркология гуркираб ривожланди. Аниқ статистик маълумотларга таянсак, бу даврда 30 дан ортиқ тилларнинг 40 дан ортиқ илмий грамматикалари яратилди [5.35]. СССР ҳудудидаги миллатлар тиллари луғат фондининг бойишида рус тилининг роли алоҳида тадқиқ этилиб, коммунизмнинг ғалабаси билан ҳамоҳанг тарзда ягона мулоқот тили "буюк рус тили" бўлиши давлат дастури даражасига кўтарилди, бу масала ягона тил сиёсати этиб белгиланди. Бу билан боғлиқ икки жилдли *"Совет даврида адабий тилларнинг тараққиёти қонуниятлари"*, беш жилдли *"СССР миллатлари тиллари"*, *"Рус тили ва совет жамияти"*, *"Совет даврида ўзбек тили лексик тараққиёти"* каби тадқиқотлар юзага келди.

Хорижда ҳам Н.Я.Марр назарияси катта қизиқиш билан ўрганилган. Хусусан, америкалик тилшунос Л.Томас ўзининг *"The linguistic theories of N.Ja.Marr" ("Н.Я.Маррнинг лингвистик назариялари")* номли монографиясида марризмнинг ўша даврдаги сиёсат фонида гуркираб ривожланганини қайд этади [6]. Айрим хорижлик мутахассислар марризмни 1930-1950 йиллардаги қатағон сиёсати билан боғлаб талқин этсалар [7], яна бир гуруҳ олимлар Н.Я.Маррнинг лингвистик қарашларини ғайриилмий характерда дея танқидий баҳолайдилар [8]. Рус олимлари ҳам Н.Я.Марр ва унинг назарияси фан соҳасида қатағонларга сабаб бўлгани ва тилшунослик учун ҳалокатга олиб борувчи машъум жиҳатларга эгалигини таъкидлаганлар [9] Дарҳақиқат, марризм методологиясига асосланмаган тилшуносларга нисбатан кескин чоралар кўрилди, айримлари ишдан бўшатилди, баъзилари узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди ёки ўзга юртларга сургун қилинди. Тилшунослар учун оммавий қатағон сиёсати 1934 йилда, кейинроқ 1937-1938 йилларда янада авж олди. Марризмни эътироф этмаган олимлар - Е.Д.Поливанов, Н.Н.Дурново, Г.А.Ильинский, Я.П.Алькор, Г.К.Данилов, К.А.Алавердов қатл этилди. В.В.Виноградов, А.М.Селищев, В.Н.Сидоров, Н.И.Конрад ва бошқа олимлар қамоқ, совуқ лагерлар ва сургуннинг даҳшатли қийноқларини бошидан кечирдилар, узоқ вақт ишдан маҳрум этилдилар.

1991 йилда В.М.Алпатовнинг *"История одного мифа: Марр и марризм" ("Бир миф тарихи: Марр ва марризм")* номли монографияси нашр этилди. Мазкур асарда марризмнинг ғайриилмий жиҳатлари батафсил ёритилган ва кескин танқид остига олинган. Лекин шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, тарих, археология, этнография каби соҳа вакиллари Н.Я.Маррни "феномен" даражасида баҳолайдилар. Ҳатто уларнинг қайд этишича, Н.Я.Марр этногенетика соҳасига асос солган, археология фанини Россияда ривожлантирган ва шакллантирган олим сифатида юқори баҳолайдилар [10].

Н.Я.Марр назарияси тилшунослик учун фақат инқирозли ҳолатларга олиб борган таълимот эмас, балки у айрим замонавий йўналишлар учун дастлабки "пойдевор" ва маълум маънода методологик асос вазифасини бажарганлигини ҳам ҳақли равишда эътироф этиш лозим. Н.Я.Марр назариясининг тилшунослик фани учун муҳим жиҳатларидан бири "тилларнинг кесишуви" хусусидаги қарашларидир. Н.Я.Маррнинг "дунё тилларининг кесишуви" ҳақидаги ғояси А. А. Потебня, Г.Шухардт, И. А. Бодуэн де Куртенэ, Ф. де Соссюр, неолингвистлар ва Прага структуралистларининг илмий-назарий қарашлари билан ҳамоҳангдир. И. Шмидтнинг лисоний ўзгаришларнинг "тўлқинли" характери, Бодуэн де Куртенэнинг барча тилларнинг аралаш табиатга эгалиги ҳақидаги постулати, Н.С.Трубецкойнинг "тил иттифоқлари" ва "тилларнинг орттирилган қариндошлиги" ҳақидаги ғояси, М.Бартолининг "лингвистик ареаллар назарияси" кабилар Н.Я.Марр назариясининг айрим жиҳатлари билан муштарак эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Л.Витгенштейннинг «Фалсафий тадқиқотлар» асари нашр этилишидан анча олдин Н.Я.Марр "маъно функцияни белгилайди", "сўзлар вазифасига кўра яратилган" деган илмий қарашларни қайд этган ва асослаб берган. Мазкур тезис функционал прагматизм йўналиши учун дастуруламал вазифасини ўтаб келмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Н.Я.Марр назариясининг айрим жиҳатлари функционал прагматизм йўналиши учун ҳам методологик қимматга эгадир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Н.Марр грамматиканинг шаклланишига ҳеч қандай хизмат қилмаган, у асосан тил метафизикаси билан шуғулланди. Лекин Н.Я.Марр грамматикани тавсифлашнинг ўзига хос моделини тавсия этган. Олимнинг фикрича, ҳар қандай тил грамматикаси "дедукция" асосида (синтаксисдан морфология, лексика ва фонетикага бориш тамойили) тавсифланиши лозим. Буни **"синтаксоцентризм"** деб номлаш мумкин. Мазкур ғоя орадан 30 йил ўтгандан сўнг америкалик тилшунос Н. Хомский томонидан амалиётга жорий этилди. Демак, айтиш мумкинки, Н.Я.Марр трансформацион ва генератив грамматика яратиш ғоясини ҳам илгари сурган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Н.Я.Марр назарияси эклектик харатерга эга бўлгани боис унда илмий-назарий аҳамиятга молик бўлган ва ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган қарашлар ҳам мавжуд. Яъни Н.Я.Марр назариясини танқидий идрок этган ҳолда рационал томонларини ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Яна ҳам аниқроқ айтганда, Н.Я.Марр назариясини унга сунъий тарзда "ёпиштирилган" догматик унсурлардан тозалаган ҳолда қайта баҳолаш, унинг бугунги тилшунослик учун методологик аҳамиятини тўғри талқин этиш лозим. Бу борада биз В.М.Алпатовнинг қуйидаги мулоҳазасига тамомила қўшилмаймиз: "Марр таълимотининг шуҳрати илмий назария сифатида эмас, балки кўпроқ миф сифатида оммалашиб кетгани билан боғликдир" [11.7]. Тўғри, марризм XX асрнинг 30-40-йилларида шўро даврининг утопик ғоялари билан бирлашиб, шовинистик мақсадлар учун "қурол"га айланди. Бу марризмнинг "мифологиклашуви"га олиб келди. Лекин марризмга фақат танқид тошларини отиш илмий "маданият" мезонларига тўғри келмайди. Юқорида кўрсатилганидек, марризмнинг тилшунослик учун айрим методологик аҳамиятга молик жиҳатлари ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим.

Адабиётлар:

1. Алпатов В.М. История одного мифа: Марр и марризм. – М., 1991.
2. Ўзбек тилининг илмий грамматикаси учун материаллар. Филология. II китоб.– Т.: ЎзФан, 1941. – Б.108-109.
3. Марр Н.Я. Избранные работы. Т. II. – С.127.
4. Богданов К. От первоэлементов Н.Я. Марра к мичуринским яблокам // Абсурд и вокруг: Сборник статей. - М.: Языки славянской культуры, 2004. С. 335-344.
5. Vladislava R. Language Policy and Reform in the Soviet 1920s: Practical Polemics against Idealist Linguistics// Annual conference, Fitzwilliam College, Cambridge. 2001. – P. 35.
6. Thomas Lawrence L. The linguistic theories of N.Ja.Marr.- Berkeley and Los-Angeles: University of California Press, 1957.- 176 pp.
7. Bruche-Schulz G. Russische Sprachwissenschaft: Wissenschaft in historisch-politischen Prozeß des vorsowjetischen und sovjetischen Rußland, Tübingen: Max Niemeyer Verlag, 1984.- 156 s.
8. L'Hermitte R. Marr, marrisme, marristes; science et perversion idéologique: une page de l'histoire de la linguistique soviétique. Institut d'études slaves.- Paris. 1987.- 102 pp.
9. Аничков И.Е. Очерк советского языкознания // Сумерки лингвистики. Из истории отечественного языкознания. Антология. - М.: Academia, 2001. С. 443-471; Бернштейн С.Б. Трагическая страница из истории славянской филологии // Сумерки лингвистики. Из истории отечественного языкознания. Антология.- М.: Academia, 2001. С. 535-543; Звегинцев В.А. Что происходит в советской науке о языке // Сумерки лингвистики. Из истории отечественного языкознания. Антология.- М.: Academia, 2001. С. 472-507.
10. Платонова Н.И. Николай Яковлевич Марр – археолог и организатор археологической науки // Археологические вести. № 5. 1996-1997.- СПб.: Дмитрий Буланин, 1998. С. 371-381; Слезкин Ю. Н.Я. Марр и национальные корни советской этногенетики // Новое литературное обозрение. 1999. № 36. С. 48-82.
11. Алпатов В.М. Актуально ли учение Марра? // Вопросы языкознания. 2006. - № 1.- С. 7.

Андижон давлат университети,
2012 йил 10 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)